




Миразиз АЪЗАМ

---



СЕНГА

---



НИМА

---



БЎЛДИ?

---

5

Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий Комитети  
„Ёш гвардия“ нашриёти  
Тошкент — 1970

---

Ўқувчи эшикни очиб, синфга мўра-  
лайди: қараса, муаллимаси кўз ёшини  
артиб ўтирибди. Шунда у ўз қилмиши-  
нинг нақадар нотўғри бўлганини ан-  
лайди.

Авторнинг кўпчилик шеърларида виж-  
дон, бурч масалалари кўтарилган. Китоб-  
ни ўқиб шоир болалар ҳаётини, уларнинг  
руҳий дунёсини эътибор билан кузатиб  
бораётганини пайқаб оласиз.

Аъзамов Миразиз.

Сенга нима бўлди? (Шеърлар). Т.,  
„Ёш гвардия“, 1970.

40 бет.

Тиражи 30000

Агзамов М. Что с тобой? (Стихи).

Ўз 2

7—6—2





**КИТОБ**      Китоб нима десалар,  
**НИМА**        Китоб офтоб дедилар.  
**ДЕСАЛАР...** Қўшилмайман бу гапга,  
                  Ўхшамайди офтобга:  
                  Офтоб ахир кечқурун  
                  Кўзга кўринмай қолар.  
                  Тунда унинг иссиги  
                  Бизга билинмай қолар.  
                  Китоб эса тунда ҳам  
                  Яна ўқи деб қистар.  
                  Ўқисангиз тушда ҳам  
                  Қалбингизни иситар.

Китоб нима десалар  
Китоб — бу кон дедилар.  
Қўшилмайман ҳеч бунга  
Ўхшамайди у конга:  
Йиллар, асрлар ўтиб  
Конда маъдан тугайди.  
Газу темир, кўмир ҳам  
Озу оздан тугайди.  
Китоблар-чи, аксинча,  
Ошиб борар йилма-йил.

Турар дунё тургунча,  
Кўчиб юрар тилма-тил.

Китоб нима десалар,  
Китоб одам дегайман,  
Энг қадрдон оғайним,  
Ичи олам дегайман.  
Одам билан дўстлашиб  
Киролмасам ичига,  
Дўстлик эмас дўстлигим,  
Ишонмайман кучига.  
Китоб қалин оғайним,  
Дардлашаман секин, жим.  
Гапига қулоқ солсам,  
Кўринар бутун олам.



## КОМПАСИМ

Соатимнинг мили қизиқ: жуда ўжар,  
Юра қолмас вақт ўтса ҳам ҳеч илгари.  
Вақт ўтди деб суриб қўйсам пича нари,  
У қайтадан туриб олар пича бери.  
Соатимнинг мили қизиқ: жуда ўжар.

Титраб-титраб, бошин қилиб сарак  
-сарак

Доим офтоб юрмас ёққа қараб ётар,  
Сафар чоғи менга тўғри йўл кўрсатар,  
Соатимни ошналарим компас атар.  
Мили қизиқ: бошин қилар сарак-сарак.

**НУРХОН  
БИЛАН  
БУРҲОН**

Нурхон қиз мункиди-ю,  
Савати учиб кетди,  
Қулупнайи сочилиб  
Ҳар ёққа қочиб кетди.

Бурҳон хахолаб кулиб  
Ўзи ҳам қоқилди-ку!  
Кесилган дарахт каби  
Гурсиллаб йиқилди-ку!

Нурхон унга кулмади,  
Дўпписин қоқиб берди.  
„Ёмон йиқилмадингми,  
Қурсин фалокат“, — деди.

Бурҳон қаттиқ уялди,  
„Зарарсиз“, — деди Нурхон.  
Қулупнайни „пуф-пуф“ лаб  
Саватга терди Бурҳон.



Чирандию, одобда  
Нурхонга ютқазди у.  
...Қулупнайдай қизариб  
Саватни тутқазди у.

---




**МИРСОДИҚВОЙ  
ДЕДИ „ҲМ„** Уйга келсам, Мирсодиқ  
Гина билан йиғлабди.  
Кўзларида ёш лиқ-лиқ,  
Ойимларни излабди.

Турай деса бешикдан  
Оёқ-қўли боғлоқлиқ.  
Йиғласа ҳам, эшикдан  
Йўқдир кириб-чиқмоқлиқ.

Хафа экан Мирсодиқ,  
Кириб келдим эшикдан.  
Кир юваркан ойимлар,  
Ечиб олдим бешикдан.

„Йиғламасдан ётсанг жим  
Хурсанд бўлади ойим.  
Тушундингми? “ — дегандим,  
Мирсодиқвой деди „ҳм“.



**БУЛУТ  
БЎЛИБ  
ҚОЛАМАН**

Ака, мени урсангиз,  
Булут бўлиб қоламан.  
Узоқларга кетаман,  
Тоғларга йўл оламан.  
Сира қайтиб келмайман,  
Ёмғир бўлиб йиғлайман,  
Сув бўлиб тўпланаман,  
Дарё бўлиб оқаман.  
Сира қайтиб келмайман,  
Ҳечам қайтиб келмайман,  
Билиб қўйинг, акавой,  
Билиб қўйинг, акавой:  
Агар мени урсангиз  
Булут бўлиб қоламан.




**АСЛ ТАРВУЗ,  
АСАЛ ТАРВУЗ**

Қумоқ-қумоқ қизил сув  
Оғзимга ёқиб кетди.  
Индамай, шарбатми у,  
Ичимга оқиб кетди.

Суви қизил бўлса ҳам,  
Уруғи қора экан.  
Тўни силлиқ беқасам,  
Тури ҳам сара экан.

Қизил сувин ҳўпладим,  
Данагини ютмадим.  
Келаси йил экай деб  
Мис баркашга тўпладим.





**ЎСАМАН  
ДЕБ**


Очил бобо қачон турса  
Теша ҳам тез туради.  
Бобосининг орқасидан  
Ўралашиб юради.  
Бугун тонгда ниҳолларни  
Суғораркан бобоси,  
Теша сергак боламасми,  
Жаврай-жаврай сўради:

— Ариқ очиб, ҳам суғориб  
Нима қиласиз уни?  
Бобо, бобо, шу кўчатлар  
Ичадими шу сувни?  
Бобо, бобо, шу кўчатлар  
Олманинг боласими?  
Бобо, бобо, суғормаса  
Нима бўлар шу куни?

Кулиб қўяр Очил бобо,  
Лекин гапни чўзмайди:  
— Суғорсам тез катта бўлар,  
Суғормасам ўсмайди...  
Кўзларини катта очиб  
Ўйлаб қолар Тешавой.

Бобосининг ишларидан  
Кўзларини узмайди.

Пақирчасин секингина  
Бориб олиб келар у.  
Кўчатга бир қараб қўйиб  
Оёғидан қуяр сув.  
— Ўсиб кетсам ҳаммадан тез  
Ҳайрон қолсин одамлар.  
Ўсиб кетсам бобом ҳам дер:  
„Ҳайронман, ким экан бу!“




**ТУРСУН,  
УНСИН  
ВА  
ТАБАССУМ**

Турсун билан Табассум  
Доим бегона экан.  
Турсун билан Табассум  
Нега бегона экан?  
Турсун бадқовоқ экан,  
Йиғлоқи, чатоқ экан.  
Шунинг учун Табассум  
Унга бегона экан.

Унсин билан Табассум  
Қалин дугона экан.

Унсин билан Табассум  
Нега дугона экан?  
Унсин кўп қувноқ экан,  
Кўзлари чақноқ экан.  
Шунинг учун Табассум  
Унга дугона экан.



**ҚЎЙ  
СУЗГАНДА**

Анов қўй-чи, ҳов ада,  
Ёмон болайкан жуда:  
Боши билан бир туртди,  
Мени қаттиқ йиқитди.




## ЧУМОЛИНИ ҲАЙДАНГ

Чумолини ҳайданг, ҳов опа,  
Чумолини ҳайданг, ҳов опа.  
Оёғимга ўрмалаб юриб кетди,  
Чумолини ҳайданг, ҳов опа.  
Оёғимдан ерга олиб қўйсам,  
Қўлларимни қаттиқ чақиб олди,  
Нинасини қаттиқ тиқиб олди,  
Чумолини ҳайданг, ҳов опа.  
Ташигани дон деб мен уни  
Яхши кўриб юрсам ҳар куни  
Назарига мени илмас экан,  
Яхшиликни ҳеч ҳам билмас экан,  
Заҳарини бошлаб суқиб олди,  
Қўлларимга нина тиқиб олди.  
Чумолини ҳайданг, ҳов опа.  
Чумолини ҳайданг, ҳов опа.



**БИР САЪВА** Худди заҳар ютгундай  
Африкалик тутқундай  
Бир саъва сим қафасда  
Хўрсинар ҳар нафасда:  
„Юрагим тошиб кетди,  
Ғазабим ошиб кетди.  
Қўйиб, юборингиз тез,  
Эркинлик кези бу кез!“

**БИР ҚУЁН** Қоплон уни қувганди,  
Сиртлон уни қувганди...  
— Ҳамма бунда зўр экан,— деб  
Аразлаб кетди қуён.



Борса дарё бўйига,  
Бақа қочди „уйи“га.  
— Мендан қўрққан бор экан,— деб  
Қувониб кетди қуён.




**АЙИҚНИНГ  
МАҚТАНИШИ  
ВА  
АЛДАНИШИ**

Айиқ шохга чиқиб деди: „Қуш бўламан,  
Қуш бўлмасам, ўз танамни уч бўламан!“  
Аммо қушдек майда шохга ўтолмади,  
Нимжон шохлар Айиқвойни кўтармади.

„Қисир-қисир“ этган эди, „войдод“,—  
деди.  
„Синиб кетса қани менда қанот“,— деди.  
Худди шу пайт етиб келди тўртта қуён,  
Улар деди: „Биз иламиз, сакра, полвон!“

Айиқ сакраб, бир ёнбоши бўлди пачоқ,  
Қуёнчалар ҳуркиб кетди сапчиб у чоқ,  
Тум-тарақай қочиб кетди тўрттови ҳам,  
Дош бермади паҳлавони, энг дови ҳам.

Айиқполвон мақтанмайди шундан бери,  
Ҳам қуёндай қўрқоқлардан юрар нари.



**БЎРИ  
ЕНГИЛДИ**

Дарахтда бир ин кўриб  
Ўйлаб қолди шум бўри:  
„Отнинг мазасин кўрдим,  
Қўйнинг қонини сўрдим,  
Едим баъзида қуён,  
Чумчуқ емабман бирон.. “  
Ўйлаб турди-да бир зум  
Инга сакради у шум.  
Лекин гурсса йиқилди,  
Бўғзига кин тиқилди,  
Ув солди, чопди, елди,  
Бир арра топиб келди.  
Арралашга киришди,  
Тез йиқай деб тиришди.  
Она чумчуқни йўқлаб  
Чирқиллади чумчуқлар:  
Чириқ-чириқ, чириқ-чуқ...  
Етиб келди қўш чумчуқ.  
Иккаласи ҳам учқур,  
Бири бўрини чўқир.  
Унга ташланса бўри,  
Аррани олди бири,  
Дарахтга илиб қўйди,  
Чирқиллаб кулиб қўйди.


Чумчуқлар қилди байрам,  
Бўрига қилди алам,  
Сакрай-сакрай у қанча  
Изига қайтди чарчаб.



**ЎҒРИ  
СИЧҚОНЛАР**

Сичқонбойнинг акаси  
Пишлоқ ўғирлабди.  
Сичқонбойнинг укаси  
Қуймоқ ўғирлабди.  
Иккиси ҳам ўлжасин  
Тортиб келишаркан,  
Бир-бирини кўрмайин  
Уйга елишаркан,  
Укасига акаси  
Урилиб кетибди  
Кўрқиб чошиб иккиси  
Инига етибди.  
Уларнинг назарида  
Мушук мовлагандай,  
Ҳақини талаб қилиб  
Худди довлагандай...  
Чий-чийлаб онасига  
Ваҳм солишибди,  
Ўти чиқиб учовлон  
Ўлиб қолишибди.






**ЭПЧИЛ  
ЧУМЧУҚ  
ВА ЭПСИЗ  
МУШУК  
ҲАҚИДА  
ЭРТАК**

— Чумчуқ, чумчуқ, чумчуқ дов  
Анов тосга қўн бирров,  
Эпчилмисан-йўқмисан,  
Қилайин сени синов.

— Кўзи лов-лов мушуквой,  
Айтганингга кўнаман.  
Эпчилмисан-йўқмисан,  
Қани, мен ҳам кўраман,

— Шу турганча қотиб тур,  
Учмай ўйга ботиб тур.  
Бу шарт оғирлик қилса  
Майли, қўшиқ айтиб тур.

— Энди ўзинг қўшиқ айт  
Эпсизлигинг ҳақида:  
Менга сакраганинг пайт  
Қолдинг-ку тос тагида!




## ВИЖДОН

Ўтган йили синфда  
Бир воқеа рўй берди.  
Кимё ўқитувчимиз  
Бир масала — ўй берди.  
„Агар, — деди, — шуни сен,  
Ечиб келсанг, қўяй „беш“.  
Агар еча олмасанг,  
„Беш“ қўймайман сенга ҳеч.  
Сира иккиланмасдан  
„Бўпти“, — дедим шу заҳот.  
Қаттиқ ўйлаб, охири  
Ўтганида бир соат  
Масалани ечдим-у,  
Картон қоғозга ёзиб,  
Ўқитувчи кирганда  
Деворга қўйдим осиб.  
„Яхши“ — деди муаллим,  
Ортиқ рўйхуш бермади.  
„Қани, „беш“ қўйинг“, — дея  
Турдим мен, бўш келмадим.  
Индамади сира у,  
„Эшит“, — деди дарсимни.  
Мен гаплашиб ўтирдим  
Бажармагач арзимни.

„Жим бўл“, — деди у яна.  
Парво қилмай бунга ҳам,  
Атай қилиб ўжарлик,  
Тиржаярдим дам-бадам.  
Завқланишиб болалар  
Пичирлашар эдилар,  
Кимлар деса: „Қойилман“,  
Кимлари панд едилар.  
Мен туфайли ўша кун  
Дарс бўлмади дарсимиз.  
Чалинганда қўнғироқ  
Кулардик ҳар қайсимиз.  
Катта танаффус эди,  
Ёлғиз қолди муаллим.  
Эшикни аста очиб  
Мўралаб кўрса Салим,  
Ўқитувчи йиғларди,  
Қўлида оқ рўмолча.  
Не мақсадда қийнадим,  
Ўйламабман тирноқча.  
Менга „беш“ деган баҳо  
Мунча зарур бўлибди.  
Бусиз ҳам аълочийдим,  
Ким баҳосиз ўлибди?..  
Журналда унинг шакли  
Ёзилиши шартмиди,  
Аъло олиб юриш ё  
Мен учун бир дардмиди...  
Гап билим олишда-ку,  
Камаярми у „беш“сиз.  
Мунчалар дил оғритдим  
Бўлиб қолдимми бошсиз?..  
Балки, бир фикри бордир,  
Сўнг қўярди, эҳтимол.

„Беш“ деб мүнча шошмасам  
 Азоблаб, қилиб беҳол...  
 Шунда тағин узрга  
 Бўйним ёр бермаганди.  
 Виждоним исён қилиб  
 Қалбим азобда энди.  
 Ёшлик ёшлик экан-да...  
 Ўнгу чап буриларкан..  
 Виждон юракка сўнгроқ  
 Ловиллаб уриларкан...



**ҲАНИФА  
 БИЛАН  
 ЛАТИФАНИНГ  
 МУСОБАҚАСИ**

Менинг синфдошларим  
 Озодаликни ҳушлар.  
 Бизда қизийди доим  
 Мусобақали ишлар.  
 Бир куни қизиқ бўлди,  
 Ҳамма болалар кўрди:  
 Ҳанифа ҳам ишлади,  
 Латифа ҳам ишлади.  
 Битта синфни олиб  
 Ҳанифа тозалади.  
 Катта синфни олиб  
 Латифа тозалади.

Ҳанифа ишлаганда  
Енг ҳам шимармай андак  
У бурчакда уҳ тортиб,  
Бу бурчакда уҳ тортиб,  
Латгани чала ҳўллаб  
Бир синфга етказди.  
Ўз кўнглида амаллаб  
Гўё кирни кетказди.  
Ювмагани яхшийди,  
Роса унга ор бўлди.  
Сўнг супурувчи опа  
Овораи зор бўлди.  
Аммо лекин Латифа  
Терлаб-пишиб ишлади.  
Ишлади деб айтманглар,  
Ишни қийиб ташлади.  
Латифа ишлаганда  
Полни қиртишлаганда  
Қўшиқ айтди завқ билан,  
Эшитдик биз шавқ билан:  
„Мени кичик қиз деманг,  
Ўн ўғилча кучим бор.  
Қўллари нафис деманг,  
Ёғочдан қиличим бор,  
У чига латта ўраб,  
Чанг зотини қираман.  
Ман-ман деган ифлосни  
Бир зумда йўқ қиламан“.  
Латифанинг кўзлари  
Қиларди чарақ-чарақ.  
У ювган синф эса,  
Қиларди ярақ-ярақ.



## **БИРНИКИ МИНГГА**

(турист  
хотираси)

Уч тарафдан келар уч нафар отряд,  
Тугаш олдидайди Чатқол сафари,  
Лагерга тезгина кирсакми, албат —  
Бизда бўлар эди сафар зафари.

Лекин тўхтаб қолдик: Меҳри, Раҳима,  
Ўтириб олишди таёқ талашиб.  
Бошқалар лагерга етиб борди, аммо —  
Келдик биз судралиб, асабийлашиб.

Сайёҳлик бобида, мусобақада  
Энг ёмон, паст баҳо олдик биз.  
Албатта оласан бунақада:  
Орангизда бўлгач тантиқ қиз.

Бунақа аразчи, бунақа эрка  
Менсимас кўпчилик манфаатини.  
Шунда қараб туриш нотўғри экан,  
Жуда тез тузатинг табиатини.



**СЕВИМЛИ  
НАБИРА**

Ойим элик ёшга  
Кирган онда,  
Бирдан ётиб қолди  
Касалхонада.  
Қаттиқ ётиб қолди,  
Йўқолди ҳуши.  
Луқмони ҳакимлар  
Турди ёнида.

Ҳамма ҳакимларга  
Бўлсин шараф-шон,  
Ҳамма ҳакимлар ҳам  
Бўлишсин омон.  
Ойим касал бўлиб  
Ётган онда  
Посбондай туришди  
Доим ёнида.

Қирқ кун ётди ойим,  
Олди қирқ шифо.  
Қирқ кунда дардлари  
Бўлди мусаффо.  
Қирқ кун қатнадик биз  
Касалхонага,

Шифоланиб кўзин  
Очган кун аммо  
Ойим энг севгани  
Катта набира —  
Жигарпорасини  
Йўқлаб қолди-ю!  
Уқиши аъломи,  
Тан-жони соғми,  
Қаттиқ соғиндим, деб  
Уйга толди у.

Набирангиз, дедим,  
Аълочи ҳамон.  
Хавотир олманг сиз,  
Юрибди омон..  
Яна қўшиб қўйдим,  
Ёлғон бўлса ҳам:  
— Сизга салом айтди  
Мен келар замон.




**МЕНИНГ  
ЖИМИТ  
ЁНҒОҒИМ**

Боғ кўчада бир куни  
Ёнғоқ ўйнаб юрардим.  
Дўстларимнинг соққасин  
Пойлаб туриб урардим.  
Менинг соққам пойлонғич,



Жимитгина думалоқ.  
Бошқаларнинг ёнғоғи  
Бесўнақай узунчоқ.  
Соққа қувлаш чоғида  
Жимитни ҳеч кимса ҳам  
Ололмасди нишонга  
Қанчалик уринса ҳам.  
Борган сари жимитнинг  
Обрўйи ошар эди.  
Ошналарим ичида  
Ғурурим тошар эди.  
Жимит соққа мен учун  
Оламдан эди аъло.  
Таги билан бермасдим  
Берсалар ҳамки дунё...  
...Бирдан ошнам Бахтиёр  
Човут солди соққамга,  
Қувиб кетдим лочинни  
Қарамасдан орқамга.  
Ўқ мисоли отилиб  
Кириб кетди эшикдан.  
Эшигини занжирлаб  
Мўралади тешикдан.  
Чақирсам ҳам очмади.  
Ҳайқирсам ҳам очмади.  
Ялинсам ҳам бўлмади,  
Очишга ҳеч кўнмади.  
Қўлларимни мушт тугиб  
Алам қилиб ўйладим.  
Йиғиб олма кесакдан  
Боғ атрофин бўйладим.  
Катта бир туп ёнғоғин  
Кесак бўронга олиб,  
Роса қоқай дедим мен

Атрофга шовқин солиб.  
Отган эдим бир марта  
Боғдан биров „ҳой“,— деди.  
Яна отсам бир марта  
„Кесак отма, қўй“,— деди.  
Бош кўринди девордан  
Тағин отсам бир-икки,  
Кўрсам, унинг дадаси —  
Майор Аҳмад амаки.  
— Эшитдингиз: чақирдим,  
Сира индамадингиз.  
Кесак бўрон бошласам  
Девордан қарадингиз...  
Бахтиёрвой ўғлингиз  
Олиб қочди соққамни.  
Илтимос, олиб беринг,  
Обқочмасин соққамни.  
Менга Аҳмад амаки  
Жаҳли чиқиб қаради.  
Узиб уч-тўрт хом ёнғоқ:  
„Бўлдими?— деб сўради,—  
Йўқол, йўқол, бу  
ердан,  
Башарангни кўрмайин.  
Мунча пасткаш, очофат,  
Чувриндисан бетайин!..“  
Ёнғоқларин олмасдан  
Кетдим эгиб бошимни.  
Хўрлигим келди шу кун,  
Ичолмадим ошимни...  
...Ўша майор Аҳмадни  
Ёмон кўраман ҳамон.  
Қайда адл кўрмасам,  
У эсимда шу замон.




**ЎҚУВЧИЛАР  
КАССАСИ**

Кузда мактаб бекилиб,  
Чиқдик пахта теримга.  
Бир нуқтага тикилиб,  
Бир ўтирган еримга —  
Ўтирганча қолибман,  
Ўйга улоқ солибман.  
Нега Пўлат хафақон,  
Қўшилмайди бизга ҳеч?  
Эгат бўйлаб ёнма-ён  
Қанча юрсак эрта-кеч,  
Гапирмайди барибир.  
Нега кулмайди ахир?  
Оёғида керз этик  
Гулнор хаёл суради.  
Пахтадан чувиб пилик  
Индамай соч ўради.  
Бўлмасми қўшиқ айтса,  
Завқимизни қайнатса?  
Ҳазил қилдик эрталаб,  
Шу оғир тегдимикан?  
„Тоҳир-Зухра“ деган гап  
Бошларин эгдимикан?  
Нозик бўлади юрак,  
Кечирим сўраш керак.  
Ўйлаган топар экан  
Гулнор туғилган куни

Ёдимга тушди бирдан.  
Табриклаймиз, деб уни  
Болаларни чақирдим,  
Очиқ маслаҳат қурдим.  
Пахта терим ҳақидан  
Еттов қилдик халфана,  
Мос тушди ҳақиқатан  
Халфана билан сана.  
Гулнор чарақлаб кетди,  
Сўзлари чақнаб кетди:  
— Бу ўтказган кечангиз  
Чертди кўнглим торини.  
Тўплабсиз бир нечангиз  
Ёнингизда борини.  
Раҳмат айтишдан олдин  
Дўстлар, ўйланиб қолдим.  
Ҳаммамиз ҳам катта ҳақ  
Олажакмиз албатта.  
Йиғсак сарфламай бевақт  
Жамғарма бўлар катта.  
Мактаб очилганда ҳам  
Оз-оздан қўшсак ҳар дам,  
Муҳтож бўлсак биримиз  
Берар эдик кассадан.  
Аммо лекин баримиз  
Қисилмасдик кассадан.  
Нима дейсиз, дўстларим,  
Хом ўймасми ўйларим?  
— Қизиқ фикр,—  
дер Пўлат,—  
Яхши фикр,— дер яна.—  
Чуқур ўйлаб гапирдинг,  
Сўзларинг дона-дона.  
Яхши-ёмон кунимиз

Асқотади пулимиз.  
 Бугундан бадал тўлаб  
 Кассани ишга солсак...  
 Бир овоздан маъқуллаб,  
 Дўстлар чалишди қарсак.  
 Диллар ярақлаб кетди,  
 Касса жарақлаб кетди.



**БИР ТРУСИК** — Менинг трусигим икки ярим сўмлик!  
**ҲАНГОМАСИ** — Менинг трусигим икки сўмлик!  
**ЁКИ** — Менинг трусигим бир ярим сўмлик!  
**БИРДАМЛИК** — Бир сўм қирқ тийинлик меники...  
 — Меники ҳам шундай...  
 — Меники ҳам...  
 Улар еттовлон эдилар,  
 Кетма-кет мақтанаб дедилар:  
 — Менинг трусигим...  
 — Менинг трусигим...  
 Даврада еттинчи индамас,  
 Ўйлаб ўтирарди ютиб сас.  
 — Менинг трусигим эллик тийинлик,  
 Лекин сизникидан қолишмас,—  
 деди у ниҳоят  
 ҳам кулди фақат.

— Ёлғон гапирдинг-а,  
Кичкина?!—  
Энг қиммат трусик кийгани  
Эътироз билдирди ийманиб:  
— Трусик бўлмайди эллик тийинлик,  
Ҳеч қаерда бунақаси йўқ!  
Ҳамма дўконларни айланиб кўринг,  
Топмайсиз,  
кўнглингиз бўлсин тўқ!  
Кичкина ғурур-ла кулимсиради:  
— Лахтак дўконидан сатин сотиб олиб  
Онанг тикиб берса, топасан.  
Орттирган пулингни чўнтакка солиб  
Кейин кинога ҳам чопасан!

## 2

Қичқириқ бўйида еттовлон  
Чўмилишга қарор қилдилар.  
Сузишда, сакрашда, калла ташлашда  
Ким қандай — билмоқчи бўлдилар.  
Қичқириқ деган сув  
Шошқин сув,  
„Одамни чақириб ютади,  
Қичқиради“, — деган афсоналар бор,  
Пишқирганча олға кетади.  
Қирғоқлари баланд,  
Тушиш-чиқишга  
Сўқмоғи  
Унгда бир,  
Чапда бир холос.  
Сувдан шу сўқмоққа  
Улгурмаса ким,  
Қирғоққа сираям чиқолмас...

Биринчи Музаффар бошлади  
Икки ярим сўмлик трусик кийган.  
Югуриб келди-да ер тепиб, бир сакраб  
Ҷичқириққа калла ташлади.  
Ғоят гўзал чиқди,  
Ғоят мароқли.  
Икки қулоч отиб ўтди қирғоққа.  
У сувда сузмасди,  
Учарди балки.  
Шошқин сув бўйсунди эпчил оёққа.  
Иккинчи сакради Қодир бочка  
Икки сўмлик трусик кийган.  
Пилдираб келди-да йўрға от сингари .  
Сакради завқланиб эрк бериб кучга.  
У ҳам тез нариги қирғоққа чиқолди.  
Оғир тошни суролмагандай  
Ҷичқириқ енгилиб пойида қолди  
Қулт-култ ютинганча қолди сув, ҳай-ҳай.  
Учинчи сакради Мавлоно Ўткир  
Бир сўм эллик тийинлик трусик кийган.  
Унинг севган сўзи эди „бетамиз“,  
Ўзи зўр болайди тамизли, ўткир.  
Гапга чечан эди,  
Ишга печан эди,  
Ҳозиржавоб эди.  
Ғоят батаълим.  
Ҳар бир ҳаракати  
Салмоқли, ўлчовли,  
Сувдан ўтиб кетди бамайлихотир.  
Тўртинчи сакради Сарик-мошак Турсун,  
Бешинчи сакради Жингалак Сафар.  
Олтинчи сакради Маҳамат Қори,—  
Трусиги бир сўм қирқ тийинлилар,  
Яхши сузиб ўтди уларнинг бари.

Навбат еттинчига,  
 Кичкинага келди.  
 Кичкина жовдираб турарди кўрқувдан.  
 У кичик ҳовузда чўмилган эди,  
 Сузиб кўрмаганди бунақа сувда.  
 — Сузишни биласанми? — сўрайди Ўтқир,  
 — Калла ташлашни-чи? — дейди Музаффар.  
 Савол Кичкинага тегаети оғир,  
 Кичкинага доим ёр эди зафар.  
 Маҳамат насиҳат қила бошлади,  
 Кичкина қарорга келганди лекин:  
 Югуриб кетди-да ер тепиб, секин  
 Қичқириққа калла ташлади.  
 Трусик боғичи бир оз бўш экан,  
 Ечилиб оёғига сурилиб кетди.  
 У қайта киймоқчи бўлиб иштонин  
 Оёғига қўлин узатди.  
 Тўлқинлар пиқиллаб кулдилар  
 Трусикни чиқазиб оёқдан,  
 Кичкина жисмини суриб кетдилар  
 Қирғоққа чиқадиган ёлғиз сўқмоқдан.

### 3


Далалар кўксига  
    тушди хавотир,  
 Юз метр нарида янграр шалола.  
 Кичкинани қутқазар қайси мард,  
    ботир,  
 Гапга кирмади-ей  
    бу тентак бола...  
 Музаффар ва Ўтқир  
    ўзин сувга отди  
 Оқибатин ўйламай  
    жон қасдида.



Энди уч кишининг ҳаёти  
Қил устида қолди, қил устида.  
Тўртовлон қирғоқда югуришар эди,  
— Кичкина, қимирла!— қичқирарди Қодир,—  
Бир зум тўхтамасанг кифоя!!!—  
Югура-югура тўртовлон, ниҳоят,  
Шалолога ўн метр қолганда  
Ваҳм босиб Кичкина толганда  
Сувга ёнбошлаган тол шохин тутиб  
Сувда қўл ушлашиб нафасни ютиб  
Оқимдаги уч дўстга қўшилдилар тез.  
Шу тахлит ўн тўрт қўл уланди бу кез.  
Бирдан тол новдаси узилиб кетди,  
Тўлқин еттовини сурди бир метр.  
Бошқа новда ушлаб улгурди Ўткир,  
Ҳайтовур, ҳайтовур...  
Энди у толга кўп оғирлик туширмай  
Алдаб-алдаб эга бошлади.  
Алдай-алдай ва эга-эга  
Ниҳоят энг катта шохни ушлади.

#### 4

Кулги қилардилар энди Кичкинани,  
Уятдан тик эди унда тепа соч.  
— Қани эллик тийинлик трустик, қани?!—  
Кичкина турарди қиппа яланғоч.  
Қаҳ-қаҳ урардилар дўстлар ҳеч тинмай,  
Ўйлаб кўрмасдилар ҳеч фалокатни,  
Бирдамлик даф этган фалокатни  
Унутган эдилар оддий бир гапдай.



**ЧУМОЛИБОЙ  
БИЛАН  
АРИОЙНИНГ  
САЁХАТИ**

(Эртак)

Бир куни Чумолибой  
Ариойга деди:— Ҳой,  
Юр, чиқамиз сафарга  
Томошага, шаҳарга,  
Шаҳар кенгайган эмиш,  
Борармиш зўр қурилиш...  
Кетдилар ғинғиллашиб,  
Шамолни тизгинлашиб.  
Осмоннинг қир учидан  
Нақ шаҳарнинг ичида  
Каттакон боғ кўришиб  
Тушишди югуришиб.  
Зап ажойиб жой экан,  
Хушбўй, хушчиroy экан:  
Аста шабада эсар,  
Тебранарди гулсафсар.  
Бир томонда қизил гул,  
Бошқа тарафда сумбул,  
Яшнаб очилган гул-гул,  
Сайраб ётибди булбул.  
Ариой, Чумолибой  
Шўхликда мисоли сой,  
Ўйнашди қувлашмачоқ.  
Бироқ тўсатдан шу чоқ  
Қарсиллаб синди дарахт,

Атрофни қилиб қарахт.  
Чумоли дер:— Ҳой Айиқ,  
Айт-чи, бу қандай қилиқ?  
— Уя қураман,— дер у,—  
Завқин сураман,— дер у.  
— Уянг ёнида турган  
Тўсинлар нима бўлган?  
— Ётибди,— дейди

Полвон,—


Керакмас, улар ёмон:  
Ранги чиройли эмас,  
Ҳеч ким қойилман демас...  
Ғаши келиб бу гапга,  
Дўстлар бошқа тарафга  
Айиқ тўсинин тортиб  
Кетдилар дарди ортиб.  
Бироқ, юришгач бир оз,  
Эшитиб тақ-туқ овоз  
Яна тўхтаб қолдилар,  
Атрофга кўз солдилар.  
Кўришса, Қизилиштон  
Кўтармай бошин ишдан  
Ин ясаб баландроққа  
Мих қоқарди ёнғоққа.  
Бир мих учиб кетарди,  
Бири тушиб кетарди.  
Ари дер:— Етмай қолар,  
Ининг ҳам битмай қолар,  
Териб ол, парвосиз қуш!  
Қуш индамай бошлар иш.  
Ари олайиб кўзи,  
Терволди бир-бир ўзи.  
Яна олга кетдилар,  
Кўп йўллардан ўтдилар.

...Маймун кунга қаратиб  
Уй қуради ясатиб.  
Дўстлар яна ғаш бўлди,  
Диллар аламга тўлди:  
— Маймунжон, бу тахтани  
Нега отдинг, айт, қани?...  
— Бир оз дағал экан,—  
дер,—

Зирапчаси тикан,— дер.  
— Рандаласанг бўлади!—  
Маймун қаҳ-қаҳ кулади.  
Дўстлар териб оларлар,  
Олдинга йўл соларлар.  
Кетарлар йўл бошлашиб,  
Шахдам қадам ташлашиб,  
Темир, қамишдан тортиб  
Ғиштгача — барин ортиб...  
Шаҳарнинг бир четида  
Тўрт боласи кетида  
Бир қуённи кўришиб  
Тўхтарлар ҳол сўришиб...  
— Нега хафасан, Қуён?  
Кўрдингми бирор зиён?  
— Этим увишиб қолди,  
Совуқ ҳам тушиб қолди.  
Ҳали уйим битмаган,  
Охирига етмаган...  
Чумолибой, Ариой  
— Хафа бўлма, Қуёнтой,  
Ёрдам берамиз биз,—  
деб,—

Кириб оласиз сиз,— деб,  
Йиғанларин бердилар,  
Гўзал уйча қурдилар,

Ҳашарлашди қуёнлар  
Ва барча қадрдонлар,  
Ушалди мурод-мақсад,  
Шундай битди саёҳат.



## МУНДАРИЖА

Китоб нима десалар . . . . .	3
Компасим . . . . .	4
Нурхон билан Бурҳон . . . . .	5
Мирсодиқвой деди „ҳм“ . . . . .	6
Булут бўлиб қоламан . . . . .	7
Асл тарвуз, асал тарвуз. . . . .	8
Ўсаман деб . . . . .	9
Турсун, Унсин ва табассум . . . . .	10
Қўй сузганда . . . . .	11
Чумолини ҳайданг . . . . .	12
Бир саъва . . . . .	13
Бир қуён . . . . .	13
Айиқнинг мақтаниши ва алданиши . . . . .	14
Бўри енгилди . . . . .	15
Ўғри сичқонлар . . . . .	16
Эпчил чумчуқ ва эпсиз мушук ҳақида эртак . . . . .	17
Виждон . . . . .	18
Ҳанифа билан Латифанинг мусобақа- си . . . . .	20
Бирники минга (турист хотираси) . . . . .	22
Севимли набира . . . . .	23

Менинг жимит ёнғоғим . . . . .	24
Ўқувчилар кассаси . . . . .	27
Бир трусик ҳангомаси ёки бирдам- лик . . . . .	29
Чумолибой билан Ариойнинг саёҳати (Эртак) . . . . .	34

# ЧТО С ТОБОЙ?

Для детей младшего и среднего возраста

На узбекском языке

**МИРАЗИЗ АГЗАМОВ**

Стихи

Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1970.

Рассом С. Владимиров  
Редактор М. Бобоев  
Расмлар редактори К. Назаров  
Техн. редактор Л. Шишкина  
Корректор Э. Сиддиқов.

Босмахонага берилди 8/XII-1969 й. Босишга рухсат этилди 18/VI-1970 й.  
Формати 60×84<sup>1/16</sup> Босма листи 2,5. Шартли босма листи 2,32.  
Нашр листи 1,72. Тиражи 30 000.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
„Ёш гвардия“ нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30 уй.  
Шартнома № 149—67. Қоғоз № 1.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси.  
Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, 26.

Заказ 1693 Баҳоси 10 т.